



## AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 4 Issue 11 | pp. 76-86 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

### ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА САМАРАЛИ БОШҚАРУВНИ ТАЪСИРИ



**Муйдинов Баходиржон Нуманович**

University of economics and pedagogy HOTM

Ўқув ишлари бўйича проректор,

“Иқтисодиёт” кафедраси доценти,

иқтисод фанлари номзоди

**Сайдходжаева Нигораҳон Ибайдуллаевна**

University of economics and pedagogy HOTM

“Иқтисодиёт” кафедраси катта ўқитувчиси

E-mail: [saidhodjaevanigorahon@gmail.com](mailto:saidhodjaevanigorahon@gmail.com)

**Аннотация:** Бугунги кунда барча мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг ривожланганилиги муҳим роль ўйнайди. Қайси давлатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очиб берилган бўлса, ишбилиармонлик муҳити қуладай бўлса, ўша давлатнинг иқтисодиётида барқарор ўсиш ҳолати кузатилмоқда, ундаги сифат кўрсаткичлари ошмоқда ва янгидан-янги соҳаларни ўзлаштириш жараёнлари тезлашмоқда. Ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг давлатни иқтисодий вазиятидаги аҳамияти таҳлил қилинган. Бундан ташқари ушбу мақолада, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини самарали бошқариш унинг фаолиятини ривожланиб боришига кенег йўл очиб бериши, тадбиркорлик фаолиятини ривожланиб бориши эса жамиятни ривожланишига ўз хиссасини қўшиши, аҳоли турмуш фарновонлигини янада яхшиланишига имконият яратиши каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, тадбиркорлик субъектлари, рентабеллик кўрсаткичлари, солиқлар, маҳаллий бюджет тушумлари, бизнес самарадорлиги, ялпи худудий маҳсулот, қўшимча даромад, бошқариш самарадорлигини ошириш, экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш, ташқи савдо айланмаси, миқдор омил, сифат омил, товар айланмаси, рақобатни чеклаш, иқтисодий механизм, тармоқ хусусиятлари, хатарли вазиятлар, кластер, иқтисодий ўсиш.

**Аннотация:** Сегодня во всех странах важную роль играет развитие малого бизнеса и частного предпринимательства. В какой бы стране ни была открыта широкая доступность для малого бизнеса и частного предпринимательства, благоприятная деловая среда, экономика этой страны находится в состоянии устойчивого роста, качественные показатели в ней растут, ускоряются процессы

освоения новых отраслей. В данной статье анализируется значение малого бизнеса и частного предпринимательства в экономической ситуации государства. Кроме того, в данной статье особое внимание уделено таким вопросам, как то, что эффективное управление малым бизнесом и частным предпринимательством открывает путь для развития его деятельности, а развитие предпринимательства способствует развитию общества, создает возможность улучшения благосостояния населения.

**Ключевые слова:** малый бизнес, субъекты хозяйствования, показатели рентабельности, налоги, доходы местного бюджета, эффективность бизнеса, валовой региональный продукт, дополнительный доход, повышение эффективности управления, продвижение экспорта, оптимизация импорта, внешнеторговый оборот, количественный коэффициент, качественный показатель, оборот, ограничение конкуренции, экономический механизм, сетевые характеристики, рисковые ситуации, кластер, экономический рост.

**Annotatson:** Today, the development of small businesses and private entrepreneurship plays an important role in all countries. No matter which country has wide accessibility for small businesses and private entrepreneurship, a favorable business environment, the economy of this country is in a state of steady growth, quality indicators are growing in it, and the processes of developing new industries are accelerating. This article analyzes the importance of small business and private entrepreneurship in the economic situation of the state. In addition, this article pays special attention to such issues as the fact that effective management of small business and private entrepreneurship opens the way for the development of its activities, and the development of entrepreneurship contributes to the development of society, creates the opportunity to improve the well-being of the population.

**Keywords:** small business, business entities, profitability indicators, taxes, local budget revenues, business efficiency, gross regional product, additional income, improving management efficiency, export promotion, import optimization, foreign trade turnover, quantitative coefficient, qualitative indicator, turnover, restriction of competition, economic mechanism, network characteristics, risk situations, cluster, economic growth.

## Кириш

Бугунги кунда дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида жами мавжуд корхоналарнинг 95 фоиздан кўпроғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига асосланганлигининг гувоҳи бўлиш мумкин, шунингдек, ўрта ҳисобда хусусий тадбиркорлик секторида банд бўлганларнинг салмоғи 60 фоиздан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 57 фоиздан ортиқлигини дунё статистикаси тасдиқламоқда<sup>1</sup>.

Дунёнинг аксарият мамлакатларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётнинг алоҳида сектори сифатида давлат иқтисодий тизимида муҳим ўринни эгаллайди. Хорижий иқтисодчиларнинг фикрига кўра, АҚШ, Япония,

<sup>1</sup> О.А.Арипов. "Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши" Т-2018 йил. 215-бет. 4-бет.

Германия, Италия, Корея, Дания, Буюк Британия, Франция, Мексика, Чили, Бразилия каби мамлакатларда кичик бизесни молиявий қўллаб-қувватлашнинг давлат дастурлари муваффақиятли тарзда амалга оширилмоқда<sup>2</sup>. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, иқтисодий глобаллашув шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш заруриятини тушунган ҳолда унинг миллий иқтисодиётдаги ўрнини ва ўзига хос хусусиятларини янада чуқурроқ тадқиқ этиш муҳим вазифалардан бирига айланди.

### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги 328-сон Қонунида тадбиркорлик ҳақидаги таъриф иқтисодий категория сифатида тадбиркорликнинг кўп қирралигини, унинг ижтимоий- иқтисодий моҳиятини ифода этишга қаратилган. Давлатимизда тадбиркорлар фаолиятини ривожлантириш ва уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланиши «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида ҳам ўз аксини топди. Абу Али ибн Сино шундай ёзган эди: «Одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг сабабидир»<sup>3</sup>.

Тадбиркорлик тушунчаси XVI асрдан бошлиб иқтисодчилар, руҳшунослар, сиёсатшунослар фикрини ўзига жалб эта бошлади. Ж.Б.Сей, А.Маршалл, В.Зомбарт, Й.Шумпетер, Ф.Нойтлар тадбиркорлик илмининг асосчилари ҳисобланади. XVIII асрнинг бошида иқтисодий назарияга биринчи бўлиб тадбиркорлик тушунчасини киритган инглиз иқтисодчиси Р.Кантильон “Тадбиркор деганда, бирорларнинг товарларини маълум бўлган баҳоларда сотиб олиб, ўзиникини эса ўзига ҳам маълум бўлмаган баҳоларда сотиш орқали олдиндан белгиланмаган миқдорда даромад оловчи кишининг фаолиятини тушунган. Бу ердатаваккалчилик тадбиркорнинг энг асосий кўрсаткичи деб ҳисобланган”<sup>4</sup>. XVIII асрнинг охири – XIX асрнинг бошларида француз иқтисодчиси Жан Батис Сей тадбиркорни воситачи, ишлаб чиқариш омилларининг координатори, тажриба ва билим эгаси деб, таърифлайди<sup>5</sup>.

Немис иқтисодчиси В. Зомбарт (XIX аср охири – XX аср бошларида) таъкидлашича, тадбиркор - бу зabit этувчи, таваккалчиликка тайёр туриш қобилиятига эга бўлган, маънавий эркин, ғояларга бой, шижоатли ва ўз сўзини ўтказадиган, ташкилотчи, биргаликда бажариладиган ишга қўплаб кишиларни ўюштира оладиган шахсадир<sup>6</sup>.

Тадбиркорлик назариясига муҳим ҳисса қўшган Австрия иқтисодчиси И.Шумпетер ўзининг 1912 йилда ёзган “Иқтисодий тараққиёт назарияси” китобида тадбиркорни ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг янги

<sup>2</sup> Т.Н.Маширова,Б.Н.Сабенова,А.М.Сихымбекова.Основные направления развития малого и среднего бизнеса: зарубежный опыт. Ж.Экономика и финансы. №3.2012.С.31.

<sup>3</sup> М.М.Хайруллаев, Х.Аликулов. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т., 1995. – Б. 68.

<sup>4</sup> Jevons W. S. Richard Cantillon and the Nationality of Political Economy // Contemporary Review. Oxford, United Kingdom: The Contemporary Review Company Limited, 1881. P. 333– 360.

<sup>5</sup> Steiner P. La théorie de l'entrepreneur chez Jean-Baptiste Say et la tradition Cantillon-Knight. L'Actualité économique. 1997;73(4) décembre, www.erudit.org [Accessed: May 22, 2021]

<sup>6</sup> В.Зомбарт “Буржуа”. М.:Наука, 1994.

комбинацияларини амалга оширадиган ва шу билан иқтисодий тараққиётни таъминлайдиган киши<sup>7</sup> деб айтади.

Тадбиркорлик фаолияти назарияси бўйича республикамиздаги бир қатор олимлар ва тадқиқотчилар А.Ўлмасов, М.Шарифхўжаев, А.А.Хайтов, Маҳмудов Р., М.М.Хайруллаев, Х.Алиқулов, Т.Дўстжонов<sup>8</sup> ва бошқаларнинг асарларида ёритилган.

### **Тадқиқот методологияси**

Тадқиқот жараёнида қиёсий таққослаш, базавий хисоб-китоблар, гурухлаш ва иқтисодий таҳлил, SWOT таҳлили, индекция ва дедукция, статистик таҳлил қаби усуллардан фойдаланилди.

### **Таҳлил ва натижалар**

Ҳозирда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш энг муҳим ва долзарб вазифалардан биридир. Зоро, Муҳтарам Президентимиз таъкидлаганлариdek, «мамлакатимизда ҳар йили яратилаётган иш ўринларининг 90 фоизи хусусий сектор ҳиссасига тўғри келишини таъкидлаш лозим. Ҳозирги кунда ушбу тармоқда 5 миллиондан зиёд аҳоли, айниқса, ёшлиаримиз меҳнат қилаётгани унинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ҳам ортиб бораётганини кўрсатади. Шу боисдан ҳам агар биз иқтисодиётимизни, ижтимоий соҳани янада юксалтирамиз десак, тадбиркорликни ривожлантириш учун барча имконият ва шароитларни яратиб беришимиз зарур... камбағалликни қисқартириш, “маҳаллабай” ишлаб, жойларда ўсиш нуқталарини аниқлаш, ишсизликни камайтириш, аҳоли даромадларини ошириш бўйича катта мэрраларни белгилаб олганмиз. Бу борада давлат идоралари ва хизмат қўрсатувчи барча ташкилотлар тадбиркорлар билан ҳар куни яқин ҳамкорлиқда ишлаб, уларга амалий ёрдам кўрсатиши шарт».<sup>9</sup>

Ўзбекистон Республикасида сўнгти йилларда кичик бизнеснинг ўсиши мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида ҳам ўз аксини кўрсатаяпти. Шу боис, мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиласяпти.

### **1-жадвал**

#### **ЯИМ ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши<sup>10</sup>,**

#### **% хисобида**

№	Кўрсаткичлар	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.	2023 й.
1	ЯИМ	56,0	54,8	54,1	51,8	51,2
2	Саноат соҳаси	25,8	27,9	27,4	26,0	26,0
3	Қурилиш соҳаси	75,8	72,5	72,5	71,5	77,1

<sup>7</sup> Шумпетер Езеф Алоис (1883-1954). Теория экономического развития. Дата обращения: 18 декабря 2021. Архивировано из оригинала 26 декабря 2022 года.

<sup>8</sup> Маҳмудов Р. Дегонимни улуска маргуб эт. – Т., 1992. – Б. 29. 97.

А.А.Хайтов, Ф.Ж.Жалолов. Ўзбекистонда бозор муносабатларини шакллантириш асослари. А.1996й. 140-бет.

М.М.Хайруллаев, Х.Алиқулов. Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихидан. – Т., 1995. – Б. 68.

Дўстжонов Т., Салаев С. Кичик бизнеснинг катта имкониятлари. Урганч. Хоразм, 1997. 33-бет.

<sup>9</sup> «Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир» 20.08.2021й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи.

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.


4	Бандлик бўйича	76,2	74,5	74,5	73,9	74,1
5	Экспорт	27,0	20,5	20,0	29,6	27,6
6	Импорт	61,6	51,7	45,3	49,4	49,8

Жами ЯИМнинг 51,2 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушкига тўғри келмоқда. Мамлакат бўйича қурилиш соҳасининг 77,1 фоизи ҳамда бандлик соҳасининг 74,1 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушкига тўғри келиши эса бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида давлатимизда олиб борилаётган ислохотлар ўз самарасини кўрсатаётганидан далолат беради. Шу боис, мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибаси асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга катта эътибор қаратиласяпти.

ЯИМни худудлар кесимида аҳоли жон бошига ўсиш суръатлари ўрганилганда, Андижон вилояти бўйича бу кўрсаткич 2019 йилда 103,8 фоизни, 2020 йилда 100,7 фоизни, 2021 йилда 102,8 фоизни, 2022 йилда 106,3 фоизни ва 2023 йилда эса 106,9 фоизни кўрсатмоқда.

#### 1-ЧИЗМА

#### Андижон вилояти бўйича ЯИМни аҳоли жон бошига ўсиш суръатлари<sup>11</sup>, % ҳисобида



Бу эса вилоятда ЯИМ ҳажмини ошириш учун олиб борилаётган ислохотларнинг самараси ва белгиланаёттан режаларнинг улканлигини билдиради. Жумладан, Андижон вилояти ҳудудларида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизматлар соҳасининг келгуси беш йилдаги истиқболларини ҳамда ҳар бир туман ва шаҳарнинг «ўсиш нуқталари»ни белгилаш, ижтимоий соҳани ривожлантириш орқали аҳоли саломатлиги ҳамда турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси томонидан қабул қилинган “2022-2026 йилларда Андижон вилояти ҳудудларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси Андижон вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарорида Андижон вилоятида 2022-2026 йилларда ялпи худудий маҳсулот ва саноат маҳсулотлари ҳажмини 1,4 бараварга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришни 1,2 бараварга, хизматлар ҳажмини 3,0 бараварга ҳамда қурилиш ишлари ҳажмини 1,4 бараварга оширишни назарда<sup>12</sup> тутилган. Вилоятни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичлар параметрларининг бажарилишида эса айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ҳиссаси каттадир.

## 2-жадвал.

### **Андижон вилоятида кичик бизнеснинг иқтисодиёт асосий тармоқларида ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш, хизмат)лар ҳажмидаги улуши<sup>13</sup>, фоизда**

Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	2022 й	2023 й	Фарқи	
				(+;-)	%да
Фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сони	бирлик	34999	39038	4039	111,5
Янги ташкил этилган кичик бизнес ва микрофирмалар сони	бирлик	7111	5406	1705	76,0
<b>Кичик тадбиркорликнинг улушлари</b>					
ЯИМ	%	76,8	84,0	7,2	
Саноат	млрд.сўм	12180,9	16211,5	4030,6	
Қурилиш	млрд.сўм	6441,4	7144,0	702,6	
Бандлик	минг киши	1061,7	1204,0	142,3	
Экспорт	млрд.АҚШ дол.	477,7	340,9	-136,8	
Импорт	млрд.АҚШ дол.	335,4	618,6	283,2	
Савдо	млрд.сўм	17885,3	21235,6	3350,3	
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	млрд.сўм	36105,6	41590,5	5484,9	
Хизматлар	млрд.сўм	11756,0	14227,0	2471	
Юқ ташиш	млн.тонна	46,6	48,1	1,5	
Юқ айланмаси	млн.тонна.км	802,6	849,4	46,8	

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2026 йилларда Андижон вилояти худудларини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 21.04.2022 й.

<sup>13</sup> Андижон вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Йўловчи ташиш	млн.тонна.км	706,5	722,7	16,2
Йўловчи айланмаси	млн.йўловчи	12411,7	12931,3	519,6

Жадвал маълумотларидан шуни кўрсатмоқдаки, 2022 йилга нисбатан 2023 йилда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сони ошган бўлсада, 2022 йилда янги ташкил этилган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар сонига нисбатан камайган. 2022-2026 йилларда Андижон вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича мақсадли кўрсаткичларда ялпи ҳудудий махсулот ҳажмини 2026 йилга қадар 1,4 бараварга оширилиши кераклиги тўғрисидаги олдимизга қўйилган режани инобатта оладиган бўлсак, ҳудудда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлар сонини янада кўпайтириш чора-тадбирларини ошириш кераклигини билдиради, чунки ялпи ҳудудий махсулотнинг 84,0 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар улушига тўғри келмоқда. Экспорт ҳажми бўйича эса 2022 йилга нисбатан 2023 йилда -136,8 млрд.АҚШ доллари миқдорида камайиш қузатилмоқда, бу эса вилоятнинг ташки савдо айланмасига салбий таъсир қўрсатиши мумкин, шунинг учун асосий масала вилоятда экспорт ҳажмини ошириш бўйича экспортга махсулот ишлаб чиқарувчи кичик корхоналар фаолиятини ривожлантириш ва барқарорлаштириш чора-тадбирларини кўриш ва улар учун имкониятларни очиб беришдан иборат. Вилоятдаги энг юқори кўрсаткичлар саноат (2022 йилга нисбатан 4030,6 млрд.сўм), савдо (2022 йилга нисбатан 3350,3 млрд.сўм) ҳамда қишлоқ, ўрмон ва балиқ ҳўжалиги (2022 йилга нисбатан 5484,9 млрд.сўм) ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу ҳолат давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган оқилона қарорлар ва барқарор ривожланишнинг устувор йўналишлари бўйича вилоятда олиб борилаётган ислохотларнинг ижобий самарасидир.

Амалга оширилган ишларнинг пировард натижасида, бюджет мустақиллиги ва қўшимча даромадларни жалб этишга алоҳида эътибор қаратилиб, Андижон вилояти бюджет даромадларига 2016-2022 йилларда жами 15.066,5 млрд.сўм маблағ туширилди ва 2.498,7 млрд.сўм миқдорида бюджетга қўшимча даромадлар жалб этилди.

Солиқ тушумларининг ўсиши 2022 йилда 2.928,4 млрд.сўмни ташкил этиб, 2016 йилга (1.054,5 млрд.сўмга) нисбатан 1.873,9 млрд.сўмга ёки қарийб 2,4 баробарга оширилиши, 2023 йилга келиб эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳаллий бюджеттага 394029,4 млн.сўм даромад туширилиши таъминланди.

Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес корхоналари мажмуини ташкил этиш ва уларни бошқариш самарадорлигини ошириш муваффақиятли бормоқда. “Андижон вилоятида сўнгти йилларда амалга оширилаётган экспортни рағбатлантириш, импортни оптималлаштириш ва умуман олганда, ташки савдо мувозанатини таъминлаш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида, 2023-йил январ-декабр ойларида вилоятнинг ташки савдо айланмаси 5 030,3 млн. АҚШ долларига этди ва 2022-йилнинг январ-декабр ойларига нисбатан 747,8 млн. АҚШ долларига ёки 17,5 % га қўпайди.

Ташки Савдо айланмасида экспорт ҳажми 1157,9 млн. АҚШ долларига (7,1 % га

камайди) ва импорт ҳажми 3 872,4 млн. АҚШ доллариға (27,5 % га қўпайди) этди. Ҳисобот даврида - 2 714,4 млн. АҚШ доллари қийматида манфий ташқи савдо баланси қайд этилди<sup>14</sup>. Демак, таҳлиллар натижаси яна бир шуни кўрсатмоқдаки, вилоятда экспорт ҳажмини ошириш учун тезкор чора-тадбирлар кўрилиши лозим. Фикримизча, биринчи навбатда, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда миқдор ва сифат омилини ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сифатини ошириш йўлларини жаҳон талабаларига мослаштириш йўллари ва имкониятларини кенгайтириш зарур. Андижон вилоятининг Евросиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан ташқи савдо айланмаси 1 047,0 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан, экспорт ҳажми 911,1 млн. АҚШ доллари, импорт ҳажми эса 134,9 млн. АҚШ долларига этди. МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо айланмаси 2023-йил январ-ноябр ҳолатига кўра, 1 103,7 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Шундан экспорт 964,5 млн. АҚШ долларига етган бўлса, импорт 139,2 млн. АҚШ доллари қийматида қайд этилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг чакана савдо товар айланмаси ҳажми статистик ҳисоб-китобларга кўра, 17 359,0 млрд. сўмни ташкил этиб, 2022-йилнинг январ-ноябр ойига нисбатан 6,3 % га ошиди. Вилоят миқёсида ушбу секторнинг жами чакана савдо товар айланмасидаги улуши 93,3 % ни ташкил этди.

### 3-жадвал

#### Андижон вилоятида 2023-йил январ-ноябр ойларида хусусий сектор бўйича экспорт таркиби<sup>15</sup>

№	Хусусий сектор бўлимининг номи	Минг АҚШ доллари	2022 йилнинг мос даврига нисбатан, % да
<b>Озиқ-овқат маҳсулотлари ва тирик ҳайвонлар</b>			
1	Сабзавотлар ва мевалар	33652,3	93,7
2	Зираоворлар ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар	802,1	95,0
3	Донли экинлар ва улардан тайёрланадиган маҳсулотлар	640,3	7,1
4	Сут маҳсулотлари ва қуш тухумлари	312,0	54,3
<b>Ичимликлар ва тамаки</b>			
5	Ичимликлар	5509,3	2,7
<b>Ноозиқ-овқат хом-ашё, ёқилғидан ташқари</b>			
6	Тўқимачилик толалари ва уларнинг чиқиндишлар	2513,1	51,7
7	Ҳайвонлар ва ўсимликлардан келиб чиқкан хом-ашё материаллари, бошқа жойда таснифланмаган	512,4	199,1
8	Мой олинадиган ургулар ва мой олинадиган мевалар	387,9	100,6

<sup>14</sup> Андижон вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

<sup>15</sup> Андижон вилоят Статистика бошқармаси маълумотлари асосида тайёрланди

9	56-бўлимга киритилгандан ташқари ўтитлар учун хом-ашё ва минерал хом-ашё (лўмири, нефть ва қимматбаҳо тошлардан ташқари)	121,0	159,5
<b>Минерал ёқилғи, ёғлаш мойлари ва шунга ўхшаш материаллар</b>			
10	Нефть ва нефть маҳсулотлари ва шунга ўхшаш материаллар	1073,2	10,1
<b>Ҳайвон ва ўсимликлар мойлари (ёғлари), ёғлар ва мумлар</b>			
11	Ўсимлик мойлари ва ёғлари, хом, тозаланган ёки фракцияланган	0,2	31,8
12	Ҳайвонлар ва ўсимликлар мойлари, ёғлари, қайта ишланган; мумлар, техник аралашмалар ва препаратлар	-	0,0
<b>Кимёвий воситалар ва шунга ўхшаш маҳсулотлар</b>			
13	Бошқа жойда таснифланмаган кимёвий материаллар ва маҳсулотлар	17200,2	79,5
14	Ноорганик кимё моддалари	615,2	144,5
15	Эфир мойлари, резиноидлар ва атторлик моддалари; хожатхона препаратлари, полировкалаш ва ювиш воситалари	585,8	3,6
16	Бўйайдиган ва терини ошловчи моддалар ва бўёқлар	262,6	189,1

2023-йил якунларига қўра, Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ҳажми жорий нархларда 1 066,6 трлн. сўмни ташкил этган. Бу қўрсаткич 2022-йил билан таққосланганда 6 % га ўстган. 2023 йилда Андижон вилояти бўйича ялпи ҳудудий маҳсулот (кейинги ўринларда – ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 68 223,4 млрд. сўмни ташкил этди ва 2022 йил билан таққослаганда 5,1 % га ўсади, вилоятда мавжуд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯҲМдаги ҳажми эса 28937,2 млрд.сўмни ташкил қилди.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини таҳлил килинганда, улар қишлоқ хўжалиги соҳасида, айниқса жадал ривож топаётганилигини кўрсатади. 2023 йилда уларнинг ЯИМдаги улуши 91,3 фоизни ташкил этди.

2022-2026 йилларда Андижон вилоятини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича белгиланган мақсадли қўрсаткичларнинг параметрларида биргина оиласиий тадбиркорликни ривожлатириш дастурлари доирасида ажратиладиган кредитлар ҳажми 4150 млрд.сўмни ташкил этиб, 2022 йилда 2026 йилга қадар ҳар йили 830 млрд сўм маблағ оиласиий тадбиркорликни ривожлантириш учун йўналтирилиши қўзда тутилган. 2026 йилга қадар 113 гектар ноқишлоқ ерларни аукционга чиқариш, янгидан ташкил қилинадиган кичик бизнес субъектлари сонини 42011 бирликка ошириш, 24 та кичик саноат зоналарини ташкил этиш, 4341 та инвестиция лойихаларини ишга тушириш каби бир қанча вазифаларни амалга ошириш ва молиявий қўллаб-қувватлаш орқали вилоятда жами бандлиги таъминланади-ган аҳоли сонини 2026 йилга қадар 434,9 минг кишига

етказиш ҳамда бунинг эвазига ишсизлик даражасини 2026 йилга қадар жами 38,6 фоизга, камбағалликни эса жами 50,3 фоизга қисқартириш асосий мақсад қилиб белгиланган. 2023 йил 31 январь куни имзоланган Президент қарорига кўра, оиласий тадбиркорлик учун имтиёзли кредитларга Андижон вилоятига 1,1 триллион сўм ажратилди<sup>16</sup>.

### **Хуроса ва таклифлар**

1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятида бошқарувни ривожлантириш ҳозирги пайтда энг муҳим масалалардан бирига айланган. Кичик ва ўрта корхоналарнинг исталган мамлакат иқтисодиётига муваффақиятли кириб келиши учун, майда бизнес нормал фаолият кўрсатишини таъминлайдиган маълум бир шарт-шароитлар зарур. Аввало, бу йирик ва майда корхоналар ўртасидаги рақобатни чеклашга тегишлидир. Рақобат корхоналар ўртасида тахминан бир хил катталикда бўлганда гина, у ижобий роль ўйнайди.

2. Кичик бизнеснинг ривожланиш жараёни бевосита у ёки бу мамлакатда амал қилаётган иқтисодий механизmlар ва тармоқ хусусиятлари билан боғлиқ. Шу сабабдан ҳам, биз ривожланган хорижий мамлакатларнинг рақам кўрсаткичлари ва кичик бизнесда бошқарувни ривожланиш тажрибасини Ўзбекистондаги амалиёт билан таққослаганда, албатта институционал ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожланиш даражаси, миллий иқтисодиётининг тармоқ тузилиши ва бошқа ижтимоий маданий хусусиятларини эътиборга олиш зарур деб ўйлаймиз.

3. Андижон вилоятida ўтган йиллар давомида 3 трлн. 293 млрд.сўм миқдорида имтиёзли кредит маблағлари 166 мингдан зиёд аҳоли ва тадбиркорлик субъектларини лойиҳаларини молиялаштириш учун ажратилган. Бу маблағлардан самарали фойдаланишни назорат қилиш эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлиқда бошқарувни тўғри йўлга қўйилганлигига бевосита боғлиқ ҳисобланади.

4. Кичик корхоналар фаолиятига олдиндан кўриб бўлмайдиган хилма-хил хатарли вазиятлар катта таъсир кўрсатади, конъюнктурунинг кескин ўзгариб кетиши, мижозларнинг тўловга қодир бўлмай қолиши, табиий оғатлар уларни танг ахволга тушириб қўяди. Шу сабабли ривожланган мамлакатларда сутурталар тизими яхши йўлга қўйилган. Бизнинг мамлакатимизда ҳам сутурталар барпо этилиши зарур. Бу тизим кичик корхоналарни ривожлантиришда (айниқса, тижорат хатарлари катта бўлган соҳаларда) қулай шароитларни кафолатлаши, ўзиники бўлган ёки қарз олинган капитал билан таваккал қилиб иш бошлаган тадбиркорларга ишонч ва зарур барқарорликни яратиши керак.

5. Кластерлар кичик ва йирик корхоналарнинг ўз имкониятларини бирлаштиришларига ҳамда кичик корхоналар фаолиятини бошқаришни яхшилаш имконият яратиб беради. Бунда йирик корхоналар иқтисодий ўсишни таъминловчи локомотив сифатида майдонга чиқса, кичик корхоналар ўртасидаги рақобат уларни ўз фаолиятлари самарадорлигини оширишга ва ишлаб чиқараётган маҳсулотлари

<sup>16</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2023 йилдаги “Оиласий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-куvvatлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 39-сонли Қарори.

сифатини яхшилашга ундаиди. Юқори самара билан ривожланиб бораётган кластерлар ва кластерларнинг эришган иқтисодий натижалари, уларнинг таълим, ишлаб чиқариш ва илмий ташкил этувчиларининг мавжудлиги «билимли инсон»нинг шаклланишига, аҳоли турмуш даражасининг яхшилашни сезиларли даражада таъсир қўрсатгани ҳолда, худудларга ўзларининг ишлаб чиқариш ва технологик салоҳиятини ошириш, самарали ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини шакллантириш, рақобат устунликларини янада мустаҳкамлаш имкониятини таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 31.01.2023 йилдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини қўллаб-қувватлашни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 39- сонли Қарори.
2. «Тадбиркорликни жадал ва янада кенг ривожлантириш учун барча шароитларни яратиш – энг муҳим вазифамиздир» 20.08.2021й. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқот шаклидаги учрашувда сўзлаган нутқи.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2026 ийларда Андижон вилояти худудларини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Қарори. 21.04.2022 й.
4. О.А.Арипов. “Хорижий мамлакатларда кичик бизнес ва хусуусий тадбиркорликнинг ривожланиши” Т-2018 йил. 215-бет. 4-бет.
5. Steiner P. La théorie de l'entrepreneur chez Jean-Baptiste Say et la tradition Cantillon-Knight. L'Actualité économique. 1997;73(4) décembre, www.erudit.org [Accessed: May 22, 2021]
6. Шумпетер Езеф Алоис (1883-1954). Теория экономического развития. Дата обращения: 18 декабря 2021. Архивировано из оригинала 26 декабря 2022 года.

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

